

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМий-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ХИДИРОВА МОҲИНИСО БАХРОМОВНА

**ҚЎЗГАЛУВЧАН МУҲИТЛАРНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation

Хидирова Мохинисо Бахромовна Қўзғалувчан муҳитларни математик моделлаштириш усуллари.....	3
Хидирова Мохинисо Бахромовна Методы математического моделирования возбудимых сред.....	27
Hidirova Mohiniso Bahromovna Methods of mathematical modeling of excitable media.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ХИДИРОВА МОҲИНИСО БАХРОМОВНА

**ҚЎЗГАЛУВЧАН МУҲИТЛАРНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исмаилов Мирҳалил Агзамович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Игамбердиев Хусан Закирович
техника фанлари доктори, академик

Кабулов Анвар Восилович
техника фанлари доктори, профессор

Нормуродов Чори Бегалиевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

В.А.Трапезников номидаги Бошқарув муаммолари институти (Россия Федерацияси).

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Н.Равшанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўзгалувчан муҳит динамикасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон берадиган математик моделларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, тиббиёт ва биологияда кўзгалувчан муҳит назариясини кўллашда компьютер технологияларидан фойдаланиб, касалликни келиб чиқишини аввалдан башоратлаш, беморларга ташхис кўйишнинг ишончилигини ошириш ва даволаш жараёнида вақт тежамкорлигига эришиш масалаларни ечишнинг математик моделларини ва алгоритмларини такомиллаштириш асосий вазифалардан бўлиб қолмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, АКШ, Англия, Франция, Канада, Германия, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда норма ва патология ҳолатларида кўзгалувчан муҳит фаоллигининг регулятор механизмларини таҳлил қилишга оид математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва дастурий мажмуаларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ташқи ва ички таъсирлар остида ўз хусусиятларини ўзгартирувчи муҳитнинг регулятор механизмларини аниқлаш масалаларини ҳал этишнинг математик моделларини қуриш, ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш, аномал кўзғалишнинг тарқалиш қонуниятларини баҳолаш учун компьютер тизимларни яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, кўзгалувчан муҳитда кетма-кет кўзғалиш жараёнларини фазовий-вақтий ташкил этилишини инобатга олиш, реал кўзгалувчан муҳитнинг мавжуд асосий қонуниятларини аниқлашнинг математик моделларини қуриш, ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва дастурий воситаларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга элементлараро ўзаро муносабатларнинг ночизиклиги, пировард маҳсулотни ингибирлаш ва кооперативликни ҳисобга олувчи мураккаб қайта алоқа асосида кўзгалувчан муҳит регулятор механизмларининг математик моделларини ва алгоритмларини ишлаб чиқишни илмий асослаш зарур ҳисобланади.

Республикамизда математик моделлаштиришнинг долзарб йўналишлари, жумладан, элементлараро фазовий-вақтий муносабатларни акс эттирувчи кўзгалувчан муҳит элементлари математик моделларини, ночизик мураккаб қайта алоқаларга эга жараёнларни тадқиқ қилиш алгоритмлари ва дастурлар мажмуиларни яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, ... илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан ахборот-коммуникация тизимлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ёрдамида норма ва патологияларда кўзгалувчан муҳит динамикасини аниқлашга имкон берадиган дастурий мажмуаларини ва технологияларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Кўзгалувчан муҳит динамикасини тадқиқ қилиш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан University of Arizona, Northeastern University, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Max Planck Institute for Dynamics and Self-Organization, Center for Bioinformatics (Германия), McGill University (Канада), University of Oxford (Буюк Британия), Institut Néel, CNRS, Bordeaux Segalen University (Франция), Systems Modeling Laboratory, Bioinformatics Research Center (Жанубий Корея), Москва давлат университети, Биологиянинг математик муаммолари институти (Россия Федерацияси)да кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кўзгалувчан муҳитлар назариясини ривожлантириш, биологик объект ва жараёнларни моделлаштириш, кўзгалувчан муҳит элементлари ўзаро муносабатларини моделлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш, биология ва тиббиёт масалаларини ечишга қаратилган информацион технологияларини яратиш, касалликлар кечув механизмларини башоратлаш моделларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: юрак кўзгалувчан толаларида фибрилляциянинг регулятор механизмларини математик моделлаштириш усули ишлаб чиқилган (University of Oxford, Буюк Британия); кўзгалувчан муҳитлардаги автотўлқинларни математик

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.ds.mpg.de/en>, <http://www.ox.ac.uk/>, <http://www.bioe.neu.edu>, <http://www.zbit.uni-tuebingen.de/>, <http://neel.cnrs.fr/?lang=fr>, https://www.kribb.re.kr/eng/sub02/sub02_07_03.jsp, <https://www.cbcb.umd.edu/>, <http://www.arizona.edu/>, https://mipt.ru/science/labs/laboratory_of_the_biophysics_of_excitable_systems/ ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

моделлари яратилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); кўзгалувчан муҳит ночизиқ динамикасининг математик модели ишлаб чиқилган (McGill University, Канада); кўп кўзғалиш нуқталари мавжуд бўлган муҳит фаолиятининг математик моделлари ишлаб чиқилган (Max Planck Institute, Германия); тақсимланган кўзгалувчан муҳитларда спиралсимон тўлқинларни математик моделлаштириш усуллари яратилган (Bordeaux Segalen University, Франция); кўзгалувчан муҳитларида бифуркацион хотиранинг математик моделлаштириш усули ишлаб чиқилган (Биологиянинг математик муаммолари институти, Россия Федерацияси).

Дунёда кўзгалувчан муҳит фаолияти асосий қонуниятларини аниқлашга доир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кўзгалувчан муҳит динамикасининг математик моделларини яратиш, биологик кўзгалувчан муҳит тузилмавий-функционал ташкил этганлигини ҳисобга олиб норма ва аномал ҳолатларидаги регулятор механизмларини, элементлараро фазовий-вақтий муносабатларни акс эттирувчи кўзгалувчан муҳит элементлари математик моделларини ишлаб чиқиш, ташқи ва ички таъсирлар остида кўзгалувчи муҳитдаги жараёнларни ночизиқ математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, кўзғалишнинг аномал режимини сўндириш учун ташқи ва ички таъсирларнинг регулятор механизмлари математик моделларини яратиш, кўзгалувчан муҳитни тўлалигича бошқаришга имкон берувчи қайта алоқа тизимидан иборат бўлган математик моделини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муайян кўзгалувчан муҳитларида рўй берадиган жараёнлар қуйидаги соҳаларда ўрганилган: кимёвий реакцияларда: Б.П.Белоусов, А.М.Жаботинский, А.П.Руденко, Я.Б.Зельдович, асаб ва мушак толаларида: В.И.Кринский, Ю.А.Чизмаджев, Г.Р.Иваницкий, Е.Е.Сельков, А.Ю.Лоскутов, R.Gray, Р.Р.Алиев, электрон қаттиқ тизимларда: Ю.В.Гуляев, сейсмик фаолликда: Б.Г.Пустовитенко, магнитли юқори ўтказувчилар А.И.Буздин, А.С.Михайлов, экологик тизимларда: Ю.М.Свирежев, J.F.Baily, S.H.Heuson, бактерия колонияларида: А.Б.Медвинский.

Кўзгалувчан муҳитни суюқликларда (Белоусов-Жаботинский «тебранма» реакцияси каби), газсимон муҳитларда (Лоренцнинг атмосфера моделидаги нерегуляр тебраниш каби), биологик тўқималарда (юрак толаларида сферик тўлқинлар ва фибрилляция), экологик тизимларда (популяциянинг тарқалиши ареаллар динамикаси) бўладиган ночизиқли жараёнлар ҳолатини математик моделлаштириш ва унинг қўлланилиши ўзбек олимлари В.К.Кабулов, А.В.Кабулов, Б.Н.Хидиров, М.Сайдалиева, М.А.Исмаилов, Б.Р.Алиев, М.С.Гильдиева ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Ҳозирги вақтда кўзгалувчан муҳит динамикаси регулятор механизмлари норма ва аномалиялардаги фаолиятини ҳисобий таҳлилининг самарали усуллари ва математик моделлар тизимларини қуришнинг ягона ёндошуви мавжуд эмас. Кўзгалувчан муҳит регулятор механизмларининг математик моделларида кўрилатган жараёнларнинг фазовий-вақтий ташкил этилиши,

элементлараро кооперативлиги, ночизиқ қайта алоқалар илмий тадқиқотларда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялар университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №П-2016-«Ген, ҳужайра инженерияси ва биотехнологияда ахборот технология инструментарийси» (2003-2005), №ФА-Ф1-Ф011-«Тирик тизимлар регуляторикасини самарали бошқариш ахборот технологияларининг назарий асосларини, усулларини ва инструментарийсини яратиш» (2007-2011), №ФА-А17 - Ф009 -«Биотизим регуляторикасини организм даражасида норма ва аномалия ҳолатларида бошқариш ахборот технологиялари инструментариясини ишлаб чиқиш» (2009-2011), №Ф4-ФА-Ф006-«Тирик тизимлар регуляторикаси инфорацион технологиясининг назарий асослари ва услубларини яратиш» (2012-2016), №БВ-М-Ф4-002-«Норма ва зарарли ўсимталар ҳолатларида инсон организми асосий тизимлари орасидаги ўзаро боғлиқ регуляторикаси инфорацион технологиясининг фундаментал асосларини яратиш» (2017-2020) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўзғалувчан муҳит фаолияти қонуниятларининг элементлараро фазовий-вақтий ўзаро муносабатларини инобатга олган ҳолда математик моделлаштириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

кўзғалувчан муҳитларни математик моделлаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

биологик кўзғалувчан муҳит фаолиятини математик моделлаштириш ва фаолият механизмларини сонли тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

кетма-кет кўзғалиш жараёнларини фазовий-вақтий ташкил этилишини инобатга олган ҳолда кўзғалувчан муҳитнинг функционал-дифференциал тенгламасини қуриш усулларини яратиш;

кўзғалувчан муҳит функционал-дифференциал тенгламаларининг функционал ва дискрет тенглама кўринишдаги редукция қилинган тизимини тузиш усулини ишлаб чиқиш;

кўзғалувчан муҳит фаолият механизмларини сонли тадқиқ қилиш усуллари, алгоритмлари ва дастурлар мажмуисини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кўзғалувчан муҳитлар фаолиятининг регулятор механизмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кўзғалувчан муҳитлар регулятор механизмларининг математик моделлари, алгоритмлари ва сонли тадқиқ қилиш учун дастурий таъминотларидан ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, кўзғалувчан муҳитнинг элементлараро ўзаро муносабатлар даражасида регулятор механизмларини моделий ва дастурий таъминотини

ишлаб чиқиш, функционал-дифференциал тенгламалар сифат таҳлили назариясининг тамойиллари ва усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кайта алоқа глобал механизмларини ҳисобга олган ҳолда қўзғалувчан муҳитда импульсларни узатиш жараёнларини сонли тасвирлашнинг локал усулини қўллаб комплекс усулга асосланган қўзғалувчан муҳитни математик моделлаштириш усули яратилган;

элементлараро ўзаро муносабатларнинг нозичқилиги, пировард маҳсулотни ингибирлаш ва кооперативликни ҳисобга олувчи қайта алоқа асосида биологик қўзғалувчан муҳит регулятор механизмларини моделлаштириш усули ишлаб чиқилган;

кетма-кет қўзғалиш жараёнларини фазовий-вақтий ташкил этилишини инобатга олган ҳолда қўзғалувчан муҳитнинг функционал-дифференциал тенгламаларини қуриш усули ишлаб чиқилган;

қўзғалувчан муҳит функционал-дифференциал тенгламаларининг функционал ва дискрет тенглама кўринишдаги редукция қилинган тизимини тузиш усули ишлаб чиқилган;

қўзғалувчан муҳит фаолият механизмларини сонли тадқиқ қилиш усуллари, алгоритмлари ва дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қўзғалувчан муҳитларда элементлар ҳаракатларининг фазовий-вақтий ташкил этилганлигини ҳисобга олган ҳолда қўзғалувчан муҳитларда кечадиган қонуниятларни сонли тадқиқ қилувчи математик моделлар, усуллар, алгоритмлар ва дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

қўзғалувчан муҳит фаолияти механизмларини таҳлил қилувчи усуллар, алгоритмлар ва дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган, функционал-дифференциал тенгламалар асосида қўзғалувчан муҳитнинг норма ва аномалия ҳолатларидаги регулятор механизмлари математик моделлари яратилган;

сонли ва сифат тадқиқ асосида қўзғалувчан муҳит функционал-дифференциал тенгламалар моделий тизими параметрик портретида хаос ва «қора ўрама» соҳаларининг мураккаб тузилмавий ташкилланиши аниқланган;

қўзғалувчан муҳитнинг хаос соҳасидаги нормал фаолият кўрсатувчи (r -windows) регионлар мавжудлиги аниқланган ва тизимни башоратлаб бўлмайдиган ҳолатида мослашув регулятор механизмларини тадқиқ қилиш учун дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

«юрак-жигар-қалқонсимон без» тизими математик модели асосида, стационар ҳолат ва турғун тебранма ҳолатларида биотизим нормал фаолиятини, сўнувчи ва нерегуляр ҳолат режимларида жигар ва қалқонсимон безда ўсимта ривожланишини, шунингдек, «қора ўрама» эффекти ҳужайраларни патологик ўлимини башоратлаш учун дастурий мажмуалар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги. Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги қўзғалувчан муҳит математик моделлари қатъий аниқланган,

ишончли биологик қонуниятлар асосида қурилиши, яъни биологик (ёки концептуал) модел яратилиб, у эталон объект сифатида қабул қилиниши, ҳамда ишнинг назарий натижалари маълум бўлган тажрибавий маълумотлар билан солиштирилиши, биологик ва компьютер моделларининг натижалари коррект акс эттирилиш даражаси босқичма-босқич баҳоланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вақтий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда кўзгалувчан тизимларни математик моделлаштириш концепцияси, услубият ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган алгоритмлар илмий тадқиқот ва ихтисослашган биологик ва тиббиёт муассасаларида кўзгалувчан муҳит фаолиятини сифат ва сонли таҳлил қилувчи ҳисобий тажрибалар ўтказишда, кўрилаётган кўзгалувчан тизимда жараёнларни вақтий-фазовий ташкил этилганлигини ҳисобга олиб, кўзгалувчан муҳит ҳолатининг қонуниятларини тадқиқ қилишда, патологик жараёнларнинг яқинлик ҳолатларини аниқлашда ва эрта ташҳислашда кенг қўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўзгалувчан муҳит фаолияти қонуниятларини тадқиқ қилиш учун йўналтирилган дастурлар мажмуасини ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Кўзгалувчан муҳит ҳолатининг қайта алоқа вақтининг ўзгаришига адаптация (мослашув) механизмларини аниқлаш, нормал фаолият (стационар ва регуляр тебранма режимлари), аномал ҳолат (норегуляр тебранма ва «қора ўрама» эффекти) регулятор механизмларини аниқлаш, кўп ҳужайрали организмларда турғун ривожланишни қўллаб-қувватловчи апоптотик ва антиапоптотик кучларни ўзаро муносабат механизмларини таҳлил қилиш масалаларни ечишнинг математик моделларини ва алгоритмларини амалиётга татбиқи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида кўзгалувчан муҳитни математик моделлаштириш усули, аномалияларни эрта ташҳислаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

касалликлар кечув механизмларини башоратлаш моделлари ва алгоритмлари бўйича «Регуляторика функционал-дифференциал тенгламаларининг сифатий таҳлили учун дастур (QUANT-FDE)», «Бўлинаётган ҳужайраларда апоптоз механизмларини ҳисобий таҳлил қилиш инфор­мацион технология инструментарийси. (ИМИТАП)», «Норма ва аномал ҳолатларда юрак, қалқонсимон без ва жигар ҳужайралари фаолияти регуляторикаси тенгламаларининг хос ечимларини сифатий таҳлил қилиш дастурий таъминоти (КАУР-1)», «Динамик хаос ва «қора ўрама» соҳаларида тирик тизимлар регуляторикасини ҳисобий таҳлил қилиш учун дастурий таъминот (КАУР-2)», «Орган ва тўқималарнинг кўпҳужайрали организм даражасида ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикасининг компьютер модели (КВОТУМ)», «Норма ва касалланиш режимига ўтишда организм регуляторикаси ҳолатини баҳолаш учун дастур» дастурий воситаларидан

«UNICON.UZ» ДУК томонидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 12 октябрдаги хулосаси). Натижада биологик кўзгалувчан муҳит регулятор механизмларини моделлаштириш усули ёрдамида яратилган дастурий мажмуалар асосида маълум бир кўзгалувчан муҳит фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ва регулятор механизмларини аниқлаш имконини берган;

кайта алоқа глобал механизмларини ҳисобга олган ҳолда кўзгалувчан муҳитда импульсларни узатиш жараёнларини сонли тасвирлашнинг локал услубини қўллаб комплекс усулга асосланган кўзгалувчан муҳитни математик моделлар ва дастурий таъминотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги соғлиқни сақлаш амалиётида, хусусан Вирусология илмий-текшириш институти амалиётида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 33-8/4865-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши вирус этиологияли жигар саратонини эрта ташҳиси аниқлигини 1,5-2 марта ошириш ва касалликни келиб чиқишини аввалдан башоратлаш, даволаш тактикасини 35-40% га оптималлаштириш имконини берган;

норма ва рақ ҳолатларида «юррак-жигар-қалқонсимон без» кўзгалувчан муҳит регулятор механизмларининг математик модели ва дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги соғлиқни сақлаш амалиётида, хусусан Онкология илмий маркази амалиётида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 33-8/4865-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши рақ касаллиги келиб чиқишини аввалдан башоратлаш, беморларга ташҳис қўйишнинг ишончлилигини ошириш, даволаш жараёнида вақт тежамкорлигига эришиш, илмий тажрибалар ўтказиш ва режалаштириш жараёнини яхшилаш, ҳамда регуляция ноэффектив нукталарини аниқлаш ҳисобига харажатларни 10% камайтириш имконини берган;

юррак, қалқонсимон без, жигар хужайралари ўзаро фаолияти регуляторикасининг математик модели ва унинг аномалияларини башоратлаш алгоритми Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги соғлиқни сақлаш амалиётида, хусусан Тошкент тиббиёт академияси амалиётида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 33-8/4865-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши ташҳис аниқлигини ошириш, патогенез хусусиятларини аниқлаш ва даво тактикаси самарадорлигини ошириш ҳисобига ижтимоий самарадорликни таъминлаш имконини берган;

элементларро ўзаро муносабатларнинг нозизиқлилиги, пировард маҳсулотни ингибирлаш ва кооперативликни ҳисобга олувчи қайта алоқа асосида биологик кўзгалувчан муҳит регулятор механизмларининг математик модели ва дастурлар мажмуаси “Orzubek shifo servis” МЧЖда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 33-8/4865-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши рақасалликларини келиб чиқишини аввалдан башоратлаш, ташхис қўйишнинг ишончлилигини 1,3 мартага ошириш ва даво тактикаси самарадорлигини 25%га ошириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 11 халқаро ва 10 республика илмий-техник конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, 11 таси республика журналларида ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 6 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, мақсад ва вазифалар келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги аниқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижалар ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда қўлланганлик рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертация ишининг тузилиши келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби «**Дифференциал тенгламалар ёрдамида қўзғалувчан муҳитни математик моделлаштириш усуллари**» қўзғалувчан муҳитни тадқиқ қилишнинг асосий йўналишларини таҳлилга бағишланган. Қўзғалувчан муҳитга асосланган ишларнинг қисқача тавсифи ва қўзғалувчан муҳит ҳолатини сонли тадқиқ қилиш масаласининг қўйилиши келтирилган. Биринчи бобда дифференциал тенгламалар ёрдамида қўзғалувчан муҳитни тадқиқ қилиш соҳасининг ривожланиши таҳлилга алоҳида эътибор қаратилган. Ташқи ва ички таъсирлар остида ўз хусусиятларини ўзгартирувчи муҳит ҳолатини тадқиқ қилиш қадимдан маълум бўлишига қарамастан, «қўзғалувчан муҳит» атамаси илк бор 1947 йилда Норберт Винер томонидан киритилган. У қўзғалувчан муҳит фаолиятини сонли тадқиқ қилиш масаласи қўйилишини аниқлаган ва асосий усуллари ишлаб чиққан ва ушбу «ташқи қўзғалувчи таъсирга мос жавоб» бера оладиган динамик тизим ҳолати қонуниятларини сонли тадқиқ қилиш соҳасининг ривожланишида катта аҳамият касб этади.

Суюкликларда (Белоусов-Жаботинскийнинг «тебранма» реакцияси каби), газсимон муҳитларда (Лоренц атмосфера моделида нерегуляр тебранишлар), биологик тўқималарда (юрак толаларида сферик тўлқин ва фибрилляция) ва экологик тизимларда (популяция тарқалиши ареаллар динамикаси) ночизикли ходисалар ҳолатининг таҳлилига асосланган, кўзгалувчан муҳитни сонли тадқиқ қилишнинг ривожланиши кўзгалувчан муҳит фаолияти қонуниятларини таҳлил қилишда дифференциал тенгламаларни мунтазам қўллашга олиб келмоқда. Дифференциал тенгламалар асосида кўзгалувчан муҳитни математик моделлаштириш асосан икки хил йўналишда ривожланмоқда. Биринчи йўналишда Норберт Винер ишидан бошланган бўлиб, импульсларни ўзаро узатиш қонуниятларини инобатга олувчи асосий элементлар поғонасида кўзғалиш механизмлари тадқиқ қилинади. «Реакция-диффузия» типдаги тенгламаларни тузиб ва уларни замонавий компьютерларда реализация қилиш ёрдамида қаралаётган муҳитни нормада ташқи (турли импульслар) ва ички (муҳитнинг биржинслилиги бузулиши) таъсирлар натижасида кўзғалиш тўлқинлари имитация қилинади. Кўзғалишнинг экспериментал ва ҳисобий динамик натижаларини қийслаб ўрганиш, нормал ва аномал режимларни пайдо бўлиши, ривожланиши, қонуниятларини таҳлил қилиш, кўзғалишнинг аномал режимини сўндириш учун ташқи таъсирларни ўрганиш, кўзгалувчан муҳитнинг нормал фаолиятини қайта тиклаш имконини беради. Дифференциал тенгламалар ёрдамида кўзгалувчан муҳитни сонли тадқиқ қилишни биринчи йўналишининг ривожланиши нерв кўзғалиши тарқалишининг интегро-дифференциал тенгламалари билан ишлаган Халқаро Нобел мукофоти совриндорлари А.Л. Hodgkin, А.Ф. Huxley (1953) номлари билан боғлиқдир.

Van der Pol ишларидан бошланган иккинчи йўналишда эса кўзгалувчан муҳитни бутунлигича фаолият механизмига асосий эътибор қаратилади. Тизим фаолиятининг ёки регуляция автоном тизими элементлари ўзаро муносабатларининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳақидаги умумий тасаввурлардан келиб чиқиб, кўзгалувчан муҳит регуляция механизмини таҳлили учун дифференциал тенгламалар тузилади.

Элементларо кўзғалишни ва қайта алоқа занжирининг кетма-кет фаолиятини тасвирлаш асосида кўрилаётган муҳит регуляторикасини (регулятор механизмларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ масалаларни ечишга бағишланган фан регуляторика деб аталади) комбинациялашган моделлаштириш услуби кўзгалувчан муҳитни самарали тадқиқ қилиш имкониятини яратади. Бу ҳолатда кўрилаётган динамик тизими кўзғалишини қабул қилиш ва узатиш қобилятига эга бўлган регулятор элементлардан ва кўзгалувчан муҳитни тўлалигича бошқаришга имкон берувчи қайта алоқа тизимидан иборат бўлган кўзгалувчан муҳит сифатида қараш мумкин. Ушбу ёндошув кўзгалувчан муҳит регуляторикасини моделлаштириш жараёнида тизимдаги ўзаро вақтий муносабатларни ҳисобга оладиган функционал-дифференциал тенгламалар синфига олиб келади.

Диссертациянинг «Кўзгалувчан муҳитни тадқиқ қилиш учун кечикувчи типдаги функционал-дифференциал тенгламалар» номли иккинчи бобида элементар ҳажмдаги муҳитда жараёнларни фазовий-вақтий муносабатларини инобатга олган ҳолда кўзгалувчан муҳитни тасвирлаш назариясининг асосий натижалари келтирилган. Асосий эътибор кўзғалишнинг кетма-кет динамикасига, ритмни юритувчиси (пейсмеркер)нинг фаоллашиш қонуниятларига, кўзгалувчан муҳит регуляциясининг функционал-дифференциал тенгламаларини куришга қаратилган.

Маълум бир муҳит кўзғалиш манбаини фаоллаштириш регуляцияси механизмларини ва кўзғалишнинг тарқалиш қонуниятларини чуқур таҳлили асосида қуйидаги пейсмеркер фаоллигининг функционал-дифференциал тенгламалари ишлаб чиқилган:

$$\frac{dx_1(t)}{dt} = \alpha_1 \varphi_1(x_1(t - \tau_1), x_2(t - \tau_2), \dots, x_n(t - \tau_n)) \exp\left(-\sum_{k=1}^n x_k(t - \tau_k)\right) - b_1 x_1(t) \quad (1)$$

бу ерда $x_i(t)$ – кўзгалувчан муҳитнинг i -зонасини ҳолатини акс эттирувчи функция (биринчи зона пейсмеркер ҳисобланади), φ_1 – индуктив функция, τ_i – кўзгалувчан муҳитнинг биринчи ва i -зонаси орасидаги «кечикиш» параметри, α_1, b_1 – кўзғалишнинг пайдо бўлиш ва пасайиш доимий тезликлари, $i = 1, 2, \dots, n$.

Кўзгалувчан муҳитда пейсмеркердан кўзғалишнинг тарқалишини қуйидаги дифференциал-айирма тенгламалар билан ифодалаш мумкин:

$$\frac{dx_i(t)}{dt} = \alpha_i \varphi_i(x_i(t - \tau_i)) - b_i x_i(t); \quad i = 2, \dots, n, \quad (2)$$

бу ерда φ_i – i -зонанинг активлашув функцияси, α_i, b_i – фаолликни ҳосил бўлиши ва парчаланиши доимий тезликлари, $i = 2, \dots, n$. Бунда $\varphi_i (i = 1, 2, \dots, n)$ номанфий деб қаралади, аргументларнинг номанфий қийматларида узлуксиз функциялардир. (1)-(2) тенгламалар кечикувчи типли функционал-дифференциал тенгламалар ёпиқ тизимни ташкил қилади. «Бошланғич масала» да $(\tau = \max(\tau_1, \tau_2, \dots, \tau_n), t_0 > \tau, t_0 - \tau \leq t \leq t_0$ да) $\psi_i(t) (i = 1, 2, \dots, n)$ функция,

$$x_i(t) = \psi_i(t) \quad \text{да} \quad t_0 - \tau \leq t \leq t_0 \quad (i = 1, 2, \dots, n) \quad (3)$$

ва (3) ни қаноатлантирувчи (1)-(2) тенгламалар ечимлари изланади.

Диссертация ишининг иккинчи бобида ўз-ўзини идора қила олувчи кўзгалувчан муҳитнинг турли моделлари келтирилган. Юрак фаолиятининг қуйидаги функционал-дифференциал тенгламалар ёпиқ тизими тузилган:

$$\begin{aligned}\frac{dX(t)}{dt} &= a_1\Theta(t-\tau_0)\eta(t-\tau_0)e^{-\delta_1\Theta(t-\tau_0)-\delta_2\eta(t-\tau_0)} - b_1X(t); \\ \frac{dY(t)}{dt} &= a_2X(t-\tau_1) - b_2Y(t); \\ \frac{dZ(t)}{dt} &= a_3X(t-\tau_2) - b_3Z(t); \\ \frac{d\Theta(t)}{dt} &= a_4Y(t-\tau_3) - b_4\Theta(t); \\ \frac{d\eta(t)}{dt} &= a_5Z(t-\tau_4) - b_5\eta(t),\end{aligned}$$

бу ерда $X(t)$, $Y(t)$, $Z(t)$, $\Theta(t)$, $\eta(t)$ – мос равишда юракнинг пейсмеркер, чап ва ўнг бўлими ва коринчалари ҳолатини акс эттирувчи функциялар; τ_i – кўзгалувчан муҳитнинг пейсмеркери ва кўзгалувчан соҳа орасидаги «кечикиш» параметрлари; a_i, b_i – кўзғалишнинг пайдо бўлиш ва пасайиш доимий тезликлари, $i = 1, \dots, 4$.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлимида кўзгалувчан муҳитнинг (1)-(2) функционал-дифференциал тенгламаларининг моделий тизимига ўтиш масалаларига бағишланган. Моделий тизим асосий кўрилаётган тенгламаларни ечимларини сифат картинасини сақлаб қолган ҳолда редукция қилиш йўли билан келтириб чиқарилади. Дифференциал тенгламаларни соддалаштиришда кичик параметрлар усулидан, кўрилаётган жараёнлар қонуниятларини физик таҳлил ва фракцион таҳлил қилишдан фойдаланиш мумкин. (1)-(2) тенгламаларни кечикувчи типли битта функционал-дифференциал тенгламага келтириш орқали максимал соддалаштириш ҳолати кўрилади. Ўз-ўзини идора қилувчи тизим регуляторикаси қуйидаги нозикли кечикувчи типли функционал-дифференциал тенглама ёрдамида ўрганилган:

$$\theta \frac{dX(t)}{dt} = aX^n(t-1)e^{-X(t-1)} - X(t) \quad (4)$$

бошланғич шарт

$$X(t) = \varphi(t), t \in [0, 1], \quad (5)$$

(4) тенгламанинг ечимлари вақтий муносабатларни ҳисобга олмаган дифференциал тенглама ечимлари билан солиштириб кўрилган (бундай тенгламани ва унинг бошланғич шартини қисқароқ қилиб, (6) ва (6') деб белгилаймиз). (4), (6) тенгламалардаги θ ва a параметрлар мусбат ва ҳақиқий қийматлар. $\varphi(t)$ ва $\varphi'(t)$ функциялар $[0, 1]$ кесмада узлуксиз ва номанфийдир.

(4) тенгламада тривиал мувозанат нуқтаси доим мавжуд. Тенгламанинг ноль бўлмаган мувозанат нуқталарини мавжуд бўлиши қуйидаги тенгсизликка боғлиқ:

$$a \geq (e/(n-1))^{n-1}. \quad (7)$$

Агар (7) тенгсизлик тенглик бўлса, $X = n-1$ нуқтада битта нотривиал мувозанат нуқтаси мавжуд. Агар қатъий тенгсизлик бўлса, у ҳолда (α, β) иккита нотривиал мувозанат нуқталари пайдо бўлади ва

$$0 < \alpha < n-1 < \beta \quad (8)$$

Тривиал мувозанат нуқтасининг турғунлиги аниқ. Агарда

$$a > a_0 > (e/(n-1))^{n-1}$$

бўлса, (4) ва (6) тенгламаларда α стационар ҳолат нотурғун, (6) тенгламада β стационар ҳолат турғун, (4) тенгламада эса β стационар ҳолат фақат ва фақат

$$\beta < n + \theta \eta \sin \eta - \cos \eta$$

тенгсизлик бажарилгандагина турғун бўлади. Бу ерда $\eta - \eta = -(\operatorname{tg} \eta) / \theta$, $0 < \eta < \pi$ тенглама ечими.

Нотривиал мувозанат нуқталари атрофида Ляпунов усулидан фойдаланган ҳолда чизиқлаштириш амалга оширилган. Чизиқли тенглама ($\xi = \alpha, \beta$ мувозанат нуқталари атрофида) қуйидаги кўринишга эга:

$$\theta \frac{dx(t)}{dt} = (n - \xi)x(t-1) - x(t).$$

(6) тенглама учун характеристик тенгламаси қуйидаги илдизга эга:

$$\lambda = (n-1-\xi) / \theta.$$

Бунда ((8) ни ҳисобга олган ҳолда) α нотурғун, β турғунлиги кўриниб турибди. (4) тенгламанинг характеристик тенгламаси

$$\theta \lambda = (n - \xi)e^{-\lambda} - 1 \quad (9)$$

Хейс критерийси ёрдамида тадқиқ қилиниши мумкин. Бунда (9) тенглама илдизлари ҳақиқий қисми фақат ва фақат қуйидаги шарт бажарилганда манфий бўлади:

$$1/\theta > -1, (1-n+\beta)/\theta > 0, \beta-n < \eta \sin \eta - \cos \eta / \theta, \quad (10)$$

бу ерда η – тенглама илдизи, $\eta = -a(\operatorname{tg} \eta) / \theta, 0 < \eta < \pi$.

(10) шарт таҳлили шуни кўрсатдики, α мувозанат ҳолати учун иккинчи шарт бажарилмайди. Демак, (4) учун ҳам ушбу мувозанат ҳолати нотурғун. β учун дастлабки иккита шарт бажарилади ва унинг турғунлиги қуйидаги тенгсизликнинг бажарилишига боғлиқ:

$$\beta < n + \eta \sin \eta - \cos \eta / \theta, \eta = -a(\operatorname{tg} \eta) / \theta, 0 < \eta < \pi.$$

Кўрилатган тенгсизликнинг ўнг қисмида n, θ ларнинг қийматлари чегараланган. « a » қийматни ошишида β қиймати монотон ўсади ва бунда шундай « a^* » мавжудки, $a > a^*$ тенгсизлик бажарилмайди (чап томон монотон ўсади ва ўнг томон эса чегараланган ҳисобланади).

$$\varphi(0) = a\varphi^n(-1)e^{-\varphi(-1)}$$

берилган бўлсин. (4) тенгламада $t \geq 0$ бўлганда ягона, номанфий, узлуксиз, чегараланган $X(t)$ ечимга эга. Бунда $[1, 2]$ кесмада қуйидаги ўринли:

$$\left| X(t) - a\varphi^n(t-1)e^{-\varphi(t-1)} \right| \leq \theta a M^{n-1} N \max(n, M)(1 - e^{-t/\theta}), \quad (11)$$

бу ерда M ва N – мос равишда $[0, 1]$ кесмада $\varphi(t)$ ва $\varphi'(t)$ максимал қийматлардир.

(11) бажарилишини текшираемиз. (4) тенглама ечимлари сонлар ўқининг ўнг қисмида бир узунликка эга бўлган кесмаларда кетма-кет равишда қаралиши мумкин.

(4) тенглама $[1, 2]$ кесмада қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\theta \frac{dX(t)}{dt} = a\varphi^n(t-1)e^{-\varphi(t-1)} - X(t).$$

Ушбу бир жинсли бўлмаган оддий дифференциал тенгламанинг ечимини номаълум коэффицент усули билан қуйидаги кўринишда топиш мумкин:

$$X(t) = \varphi(0) e^{-\frac{t}{\theta}} + \frac{a}{\theta} e^{-\frac{t}{\theta}} \int_0^t e^{\frac{\tau}{\theta}} \varphi^n(\tau-1) e^{-\varphi(\tau-1)} d\tau. \quad (12)$$

$t \in [1, 2]$ ораликдаги (12) ечим $[2, 3]$ оралик учун бошланғич функция бўлиши мумкин ва сонлар ўқининг ўнг қисмида $[2, 3]$ кесма учун (4) тенгламанинг

ечимларини топишга асос бўлади. Шу йўсинда сонлар ўқининг ўнг қисмида кетма-кет ечимларни топиш мумкин.

(12) қисмларини алоҳида интеграллаб [1,2] кесмада ечимларни топиш мумкин.

$$X(t) = a\varphi^n(t-1)e^{-\varphi(t-1)} - e^{-\frac{t}{\theta}}(\varphi(0) - a\varphi^n(-1)e^{-\varphi(-1)}) - L, \quad (13)$$

бу ерда

$$L = ae^{-\frac{t}{\theta}} \int_0^{\frac{t}{\theta}} e^{\frac{\tau}{\theta}} \varphi^{n-1}(\tau-1)(n - \varphi(\tau-1)) e^{-\varphi(\tau-1)} \varphi'(\tau-1) d\tau.$$

Бу ерда (4) дифференциал-айирма тенглама ечимлари шундай ёзилганки, (13) тенгламанинг ўнг қисми биринчи ҳади мос функционал тенглама ечими ҳисобланади, иккинчи ҳади эса функционал тенглама ечимининг узлуксизлиги шартини англатувчи ифодага эга, учинчи ҳади эса (L) θ тартибининг кичик қўшилмасидир. Ҳақиқатдан ҳам,

$$\begin{aligned} |L| &\leq ae^{-\frac{t}{\theta}} \int_0^{\frac{t}{\theta}} e^{\frac{\tau}{\theta}} \varphi^{n-1}(\tau-1) |n - \varphi(\tau-1)| e^{-\varphi(\tau-1)} |\varphi'(\tau-1)| d\tau \leq \\ &\leq ae^{-\frac{t}{\theta}} \int_0^{\frac{t}{\theta}} e^{\frac{\tau}{\theta}} M^{n-1} \max(n, M) N d\theta = aM^{n-1} \max(n, M) N \theta \left(1 - e^{-\frac{t}{\theta}}\right) \end{aligned}$$

ва

$$\begin{aligned} \left| X(t) - a\varphi^n(t-1)e^{-\varphi(t-1)} \right| &\leq e^{-\frac{t}{\theta}} (\varphi(0) - a\varphi^n(-1)e^{-\varphi(-1)}) + \\ &+ \theta aM^{n-1} \max(n, M) N \left(1 - e^{-\frac{t}{\theta}}\right). \end{aligned}$$

Қуйидаги функционал тенглама ечимларининг узлуксизлиги шартини $\varphi(0) = a\varphi^n(-1)e^{-\varphi(-1)}$ ҳисобга олиш талаб қилинаётган (13) га эга бўлиш имконини беради. $\theta \rightarrow 0$ бўлганда, (4) ечимни мос функционал тенглама ечимларига узлуксиз ўтиши кузатилади. Сифат тадқиқ қилишда (4) билан бир қаторда, θ нинг кичик қийматларида унинг моделий тизими сифатида мос функционал тенглама ишлатилиши мумкин.

Диссертация ишида (4) тенглама ва унинг редукция қилинган тенграмаси ечимларининг ($n=2$ бўлганда) умумий хусусиятлар таҳлили келтирилган. Бунда

$$\theta \frac{dX(t)}{dt} = aX^2(t-1)e^{-X(t-1)} - X(t)$$

функционал тенглама кўриниши

$$X(t) = aX^2(t-1)e^{-X(t-1)}$$

ва унинг дискрет аналоги

$$X_{k+1} = aX_k^2 e^{-X_k} \quad (14)$$

тахлил қилинган.

Диссертациянинг «Қўзғалувчан муҳит функционал-дифференциал тенгламаларини сифат тадқиқ қилиш» мавзусидаги учунчи боби қўзғалувчан муҳит ўз-ўзини идора қилиш функционал-дифференциал тенгламаларини сифат тадқиқ қилишга бағишланган. Қўзғалувчан муҳитнинг уч ўлчамли минимал базис модел тенгламалари қуйидагича

$$\begin{aligned} \theta_1 \frac{dX(t)}{dt} &= a_1 Y(t-h) Z(t-h) e^{-Y(t-h)-Z(t-h)} - X(t); \\ \theta_2 \frac{dY(t)}{dt} &= a_2 X(t) - Y(t); \\ \theta_3 \frac{dZ(t)}{dt} &= a_3 X(t) - Z(t), \end{aligned}$$


бу ерда $X(t)$ – пейсмеркер ҳолатини акс эттирувчи функция; $Y(t)$, $Z(t)$ – қўзғалувчан муҳитнинг ҳолатларини акс эттирувчи функциялар; h – қўзғалувчан муҳитнинг пейсмеркери ва қўзғалувчан соҳа орасидаги «кечикиш» параметри; a_i – қўзғалишнинг пайдо бўлиш доимий тезликлари, θ_i – қўзғалувчан муҳитнинг i -зонасининг регуляторика параметрлари, $i = 1, 2, 3$.

Қўзғалувчан муҳит минимал базис модел тизимида турғун тривиал мувозанат ҳолат ва $1/(a_2 + a_3)$ нуктада пайдо бўладиган иккита нотривиал α , β ($0 < \alpha \leq 1/(a_2 + a_3) \leq \beta < \infty$) мувозанат нуқталар мавжуд. Вақтий муносабатлар ҳисобга олинмаганда, биринчи нотривиал мувозанат нуқтаси α нотурғун, иккинчиси β – турғун. Вақтий муносабатлар ҳисобга олинган ҳолда β ўз мувозанатини йўқотиши мумкин ва Пуанкаре типдаги лимит цикли пайдо бўлиши кузатилади (1- расм).

Сифат тадқиқ натижалари параметрик портретдаги асосий соҳаларда ечимлар хатти-харакатининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Учунчи бобнинг бошида (1)-(2) функционал-дифференциал тенгламалар ечимларининг умумийроқ хусусиятлари очиқ берилган. Бундай тенгламалар учун R.Bellman ишларида умумий кўринишда ечиш йўллари кўрсатилган Коши масаласи қўйилиши мумкин. Диссертация ишида Беллман-Кук кетма-кет интеграллаш усули асосида «бошланғич масала» да, яъни (1)-(2) тенгламалар тизими коэффициентларининг номанфий қийматларида ва (3) бошланғич функция берилганда узлуксиз ечимларнинг мавжудлиги, ягоналиги, чексиз ўса олмаслиги кўрсатилади.


Учинчи бобнинг учинчи бўлимида қўзғалувчан муҳит ўз-ўзини идора қилиш функционал-дифференциал тенгламаларининг модел тенгламаларини сифат тадқиқ қилишга бағишланган. Ламерей диаграммасини куриш, Колмогоров энтропияси, Ляпунов кўрсаткичи ва Хаусдорф ўлчовларини ШКда ҳисоблаш орқали олиб борилган таҳлил натижасида, (14) да Пуанкаре типдаги даврий тебранма, нерегуляр тебранма ва даврий тебранма ечимларини бирдан тўхтатувчи «қора ўрама» эффекти мавжудлигини кўрсатди.

Колмогоров энтропияси ($ЭК$) графиги (2-расм) P_0 – ресурс билан таъминланганлик параметрининг турли қийматларида жараённинг «хаотиклик» даражасини кўрсатади. Агар $ЭК > 0$ бўлса, нерегуляр тебранма ечимга эга бўламиз ва $ЭК$ нерегулярлик даражасини аниқлайди. $ЭК = 0$ бўлса, тебранма ечимнинг бифуркацияси кузатилади, $ЭК < 0$ бўлганда эса доимий даврийлик билан турғун тебранма ечим кузатилади.



1-расм. Қўзғалувчан муҳит минимал базис модел тизимининг Пуанкаре типдаги лимит цикли

«Қўзғалувчан муҳит функционал-дифференциал тенгламаларини ечишнинг сонли усуллари» мавзусидаги тўртинчи боб қўзғалувчан муҳитни сонли тадқиқ қилиш дастурий таъминотини ишлаб чиқишга бағишланган. Сонли ечимларни олиш, қўзғалувчан муҳит тенгламаларини норма ҳолатда сонли ва сифат таҳлил натижаларини визуаллаштириш масалалари кўриб чиқилади.



2-расм. (14) да динамик хаос соҳаси рельефи

Замонавий ШКда сонли ечимларини олиш усулини амалга оширишда кидирилаётган ўзгарувчиларнинг берилган дискрет қийматлари бўйича ечимларни олиш масаласи юзага келади. (6) тенглама учун бошланғич шарт t_k нуқталарда берилган бўлсин, $k = 0, 1, 2, \dots, N$; $t_N = t_0 + \tau$ ва t_0 – тадқиқ қилинаётган жараённинг бошланиши. (6) тенгламалар тизими ечимларини ШКда олиш учун идентификаторларнинг «кечикувчи» қаторларидан фойдаланамиз. Ечиш процедурасини амалга оширишдан олдин «кечикувчи» идентификаторларга бошланғич шартлар ўзлаштирилади. $1/N$ билан ўлчанувчи интеграллаш қадамини қабул қилиш орқали қаралаётган кечикувчи типли функционал-дифференциал тенгламани сонли ечишни амалга ошириш учун айирма тенгламани қуриш осон. ШКда ечимларни қуришда олдин «кечикувчи» идентификаторлар элементлари қийматларини бир қадамга суриб, олинган ечимни циклик равишда биринчи элементга ўзлаштирилади ва шу орқали ечимларни топишда ШК ишчи хотирасини тежалишига ҳам эришилади. Талаб қилинадиган аниқлик интеграллаш қадамини танлаш орқали таъминланади, сифат тадқиқ қилиш ва кутилаётган ечимлар хусусиятларини ШКда олинган ечимлар билан таққослаш орқали таъминланади. Ечимларни ҳисоблаш (3-расм) сифат тадқиқ натижаларини доимий назорат қилиш орқали амалга оширилади (3-расмда қалин тўрт бурчак билан белгиланган). Бу эса функционал-дифференциал тенгламани сонли ечишни самарали амалга ошириш, мавжуд ечимлар тўпламидан олдиндан берилган ҳолат хусусиятлари ёрдамида ечимларни олиш имконини беради. Норегуляр тебранма ечимларни пайдо бўлиши Ляпунов кўрсаткичи мусбатлиги ($S > 0$) билан аниқланади. Тизимнинг «қора ўрама» соҳасига тушиб қолиш шартининг бажарилиши коллапсирланган ечим ҳолатини ҳисоблашга олиб келади.

«Кўзғалувчан муҳит фаолияти механизмларини норма ва аномал ҳолатларда сонли тадқиқ қилиш» номли бешинчи бобда нормада ва турли ташқи таъсирларда кўзғалувчан муҳит фаолияти қонуниятларини таҳлил қилиш ахборот технологияси воситасини яратиш натижалари келтирилган.

Ишлаб чиқилган дастур ва ҳисоб тажриба воситалари ёрдамида қўзғалувчан муҳит фаолиятини ШКда иммитацион моделлаштиришга имкон беради. Аниқ бир қўзғалувчан муҳитни сонли тадқиқ қилишнинг бир қанча саволлари кўриб чиқилган.

Охирги бобнинг биринчи бўлимида Delphi ёрдамида қўзғалувчан муҳитни сонли таҳлил қилиш дастурий таъминоти ва ҳисоб тажриба воситаларини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган. Бу бўлимда асосий эътибор қўзғалувчан муҳит ҳолати хусусиятлари таҳлили учун зарур бўлган аниқликда ШКда ечимларни олиш, фазовий ва параметрик портретлар соҳаларини тасвирлаш, Колмогоров энтропияси қийматлари динамикасини визуаллаштириш ва қўзғалувчан муҳит ҳолатининг асосий хусусиятларига қаратилган.

Фойдаланувчилар учун «дўстона» интерфейс параметрларга турли қийматлар киритиб, тизимни параметрик портретдаги жойлашган ўрнини, фаолият режимини (тинч, стационар ҳолат, автотебранма, хаос, «қора ўрама») ва ечимлар ҳолатини (Ламерей диаграммаси кўринишида) аниқлашга имкон беради.



3-расм. (10) тенгламани ШКда амалга ошириш блок-схемаси

Ишлаб чиқилган ҳисоб тажриба воситаси Колмогоров энтропияси динамикасини визуаллаштириш орқали детерминирланган хаос соҳаси

